



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕИТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

БҮЙРУҚ

2019 йил 27 науриз

№ 01-239

Тошкент ш.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг
2018 йил 27 декабрдаги 01-802-сонли буйруғига
ўзгартириш киритиш түғрисида

2019-2020 ўкув йилида Ўзбекистон Миллий университетининг Ҳарбий кафедрасида ўқишга кириш истагини билдирган номзод талабаларга белгиланган ҳужжатларни тайёрлаш ва йиғиш ишларини Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий кафедрасининг 2019 йил 26 мартағи 65-сонли хатига асосан давом эттириш ва яқунлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий кафедрасида ўқиш учун институт 2 курс талаба-йигитлари ўртасида танлов ўтказувчи комиссия таркиби куйидаги тартибда тасдиқлансан:

- | | |
|----------------|--|
| 1. А. Вахидов | -Ўкув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор (раис) |
| 2. С. Умарова | -Ўкув-услубий бўлим бошлиғи |
| 3. Қ. Омонов | -Шарқ филологияси факультети декани |
| 4. С. Ҳошимова | -Хитойшунослик факультети декани |
| 5. З. Қодиров | -Тарих ва фалсафа факультети декани |
| 6. Ч. Ҳусанов | -Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва сиёсати факультети декани. |

2. Ўқув-услубий бўлим бошлиғи С. Умарова; факультетлар деканлари Қ. Омонов, С. Ҳошимова, З. Қодиров, Ч. Ҳусановга:

2.1. Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий кафедрасида 2019/2020 ўкув йилида Тошкент давлат шарқшунослик институтидан **80 нафар** 27 ёшгача бўлган талаба-йигитлар ўқиши белгиланганини эътиборга олган ҳолда **2019 йил 2 апрелига** институтининг ҳарбий мутахассисликларига мос таълим йўналишларида **араб, хитой, форс, дарий, пушту, урду тилларини** ўрганаётган, 1,2,3 семестрларни муваффақиятли яқунлаган, соғлиғи жиҳатидан ҳарбий хизматга яроқли 2 курс талабалари орасидан “Талабаларни ҳарбий кафедрада ўқиш учун танлов асосида қабул қилиш ҳақидаги Низом” талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, ошкоралик ва

юқори принципиаллик тамойиллари асосида танловда иштирок этиш учун номзодлар рўйхати шакллантирилсин.

2.2. Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий кафедрасида 2019/2020 ўқув йилида ҳарбий тайёргарлик ўташни истаган 2 курс талабаларининг 1,2,3-семестрлар бўйича билим натижалари белгиланган тартибда Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор, Ўқув-услубий бўлим бошлиғи ҳамда факультет декани имзоси, шунингдек, танишганлик ҳақида талабаларнинг имзоси билан қайднома шаклида (1-2 иловалар) шакллантирилсин ва **2019 йилнинг 4 апрелига** қадар Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий кафедрасига тақдим этилсин.

2.3. Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий кафедрасида ҳарбий тайёргарлик ўташни хоҳловчи талаба-йигитларга **2019 йилнинг 5 апрелидан 15 апрелигача** бўлган муддатда Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий кафедраси қабул комиссиясига 3, 4 иловаларга асосан хужжатларни шахсан тақдим этишлари ташкиллаштирилсин.

2.4. Резерв ва заҳирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни танлов асосида қабул қилиш тартиблари тўғрисидаги Низом талаблари, тиббий кўрик – 2019 йил апрель-май ойларида, жисмоний тайёргарликдан имтиҳонлар май-июнь ойларида ва **тест синовлари - июнь** ойида ўтказилиши 2-курсда таҳсил олаётган барча талабалар эътиборига етказилсин.

3. Талабаларнинг танлов натижалари бўйича шикоят ва аризаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида кўриб чиқиши учун куйидаги таркибда апелляция комиссияси ташкил этилсин:

1. Ж.Шабанов - Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи - раис

2.Ш.Усмонова – Кореяшунослик факультети декани - аъзо

3. Х.Кучкаров – Кадрлар бўлими бошлиғи - аъзо.

4. Мазкур бўйруқ ижросининг назорати Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А. Вахидов зиммасига юклатилсин.

Ректор

А.Маннонов